

ТАЪЛИМНИНГ БАРЧА БЎҒИНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЁШЛАР ВА ПЕДАГОГЛАР УЧУН ИМКОНияТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига ташриф буюрди ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди.



Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатқан ҳодимлардан бир гуруҳига давлат мукофотларини тантанали топширди ҳамда таълим сифатини ошириш, ўқитувчи ва мураббийларни янада қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари тумандаги “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда таълим ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг учун кўплаб ўқув муассасалари қурилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Ёшларга умумий таълим билан бирга иқтисодига қараб ихтисослаштирилган билимлар ҳам берилмоқда. Жумладан, 14 та Президент мактаби, 201 та ихтисослашган, 2 та спорт ва 9 та ижод мактаби ташкил этилди. Улардаги ўқитиш ва баҳолаш тизими 1 минг 500 та мактабда ҳам жорий этилди.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида билимли ўқувчиларни саралаб, халқаро даражада тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Фан олимпиадалари маркази, бу йил халқаро мактаб ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, ёшларимизни Американинг “Печак лигаси” (The Ivy League) университетларига тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун миллий дастур қабул қилинди. Жорий йил дастлаб 1,5 минг нафар ўқувчи саралаб олинди. Уларга Президент ва ихтисослашган мактаблардан 208 нафар маслаҳатчи бириктирилди.

Мазкур “Ренессанс” оромгоҳи ушбу тизимнинг бир қисми бўлди. Бу ерда ёшлар йил давомида 3 ҳафталик интенсив ўқув курсларда ўқитилади. Яхши натижа кўрсатган 40 нафари “Печак лигаси” университетларига тажриба алмашиш учун юборилади.

Оромгоҳ 500 га яқин ўқувчини қабул қилиш қувватига эга. Маъмурият, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Меҳмонхона, ошхона ҳамда автотурагоҳлар ташриф буюрувчилар учун қўшимча қўлайлик саналади.

Ёзда ўтказилган семинарларда фан олимпиадалари ғолиблари, хорижий тил сертификатига эга ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этди. Бу тенг имкониятлардан фойдаланган ўғил-қизлар билимини ошириб, келажагига мустақкам замин яратди.

Сир эмас, илгари оромгоҳларга дам олиш ва кўнгилочар маскан сифатида қаралган. Энди бундай қараш мутлақо ўзгарди. “Ренессанс” ўқувчиларнинг таълим, маънавият ва инновация майдонига айланди.

Президентимиз оромгоҳ хоналаридаги шароитларни, ёшларнинг ихтироларини кўздан кечирди.

STEAM хоналари, самолёт бошқаруви симулятори, табиий фанлар лабораториялари

болаларнинг қизиқишларини амалий кўникмаларга айлантиради. Улар кутубхонада билимини, спорт майдончаларида саломатлигини мустаҳкамлайди. Санъат бурчагида санъат, адабиёт йўналишидаги машғулотлар қўллаб-қувватланади. Хушманзара табиат, дўстона муҳит ёшларнинг кайфияти, интилишини оширади.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон университети раҳбарияти ва битирувчилари билан ҳам мулоқот қилди.

— Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, ғайрат-шижоати, интилиши кучли. Биз давлат бўлиб, миллат бўлиб, сифатли таълимни таъминласак, фарзандларимизга ҳеч ким бас келолмайди, улар ҳамма соҳада етакчи бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Танишув давомида Ал-Хоразмий университети кампуси лойиҳаси тақдирот қилинди. Бу ташаббус замирида ҳам ёшларнинг билимли бўлиши, иқтидори ривожланиши учун шароит яратиш мақсад қилинган. Лойиҳани самарали амалга ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилан берилди.

Шу ерда Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида ўз ҳаётини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек энг улуғ ишга бағишлаб келатган барча муаллимларни табриклаб, уларга чуқур ҳурмат-эътиромини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 сентябрдаги фармонига

мувофиқ, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатқан ҳодимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Улар орасида ўз маблагини ҳисобидан мактаблар қурган саҳий тадбиркорлар, таълимдаги илгор ютуқларни жорий қилишга кўмаклашаётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Мен кўплаб соҳа вакилларига унвон, орден ва медаллар берман. Лекин устозлар мукофотланадиган кунни соғиниб кутаман. Кўксингизни безаб турган орден-медаллар муборак бўлсин. Ўртимизда юксак мукофотларга муносиб фидойи муаллимлар кўпайсин, — деди Президент.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар таълим соҳасига эътибори, устоз зотига юксак ҳурмати учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Шундан сўнг соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича мулоқот бўлиб ўтди. Унда видеоалоқа орқали бутун республикамиздан 40 мингдан зиёд устоз ва мураббийлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишдаги нутқидан сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсгани, яъни ички маҳсулот ҳажми йил якунигача 130 миллиард долларга етишини қайд этди.

Ушбу иқтисодий замин асосида ўтган саккиз йилда таълим ва илм-фан соҳасига

ҳаражатлар 6 қарра оширилиб, 378 триллион сўм маблаг ажратилган. Президентимиз таълим сифатини ошириш, устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш ислохотларининг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади.

Йиғилишда таълимнинг барча бўғинларини ривожлантириш, ёшлар ва педагоглар учун имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар белгиланди.

2017 йилда 4 мингдан ортиқ маҳаллада бирорта ҳам болалар богчаси йўқ эди, қамров 27 фойздан ошмасди. Бугунги кунда богчалар сони 38 мингдан, қамрови эса 78 фойздан ошди. Яқинда эълон қилинган янги имтиёз ва имкониятлар натижасида мактабгача таълим кириб бормаган бирорта маҳалла қолмайди, қамров ҳам 80 фойздан кам бўлмайди.

Богчадаги раҳбар ва педагоглар ойлиги қарийб 2 қарра ошди. Хусусий богчалардаги тарбиячилар ойлиги ва бола ҳаражатиининг бир қисми ҳам бюджетдан қоплаб бериладиган тизим жорий этилди.

Энди давлат ва хусусий богча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олий таълимда ўқитиш йўлга қўйилади. Худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” богчалари ташкил қилиниб, тарбиячилар илгор педагогик технологияларини ўрганади.

Таълимнинг энг узоқ давом этадиган, ҳал қилувчи босқичи бу — мактаб таълиминдир.

Мамлакатимиз аҳолиси сўнгги 34 йилда 2 қарра ўсиб, 38 миллиондан ошди. Ҳозирда мактабларда 6,5 миллион ўқувчи таълим оляпти. Сўнгги саккиз йилда 500 га яқин янги мактаблар қурилгани, мавжудлари кенгайгани ҳисобига 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. 200 мингдан зиёд ўғил-қизлар хусусий мактабларда ўқияпти.

Энди мактаб даврида ўқувчиларни қобилиятига қараб касб ёки олий таълимга йўналтиришга 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Шу орқали 400 мингга яқин 9-синф битирувчилари техникумларга қамраб олинади. Ўқиниш мактабда давом эттириб, олийгоҳга кириш истагида бўлган ёшларга фанлар танлов асосида чуқурлаштириб ўтилади.

Ҳар йили ўн минглаб мактаб ўқувчилари хорижий тил ва фанлар бўйича халқаро сертификатлар оляпти. Энди бундай сертификатлар мактабдаги яқиний имтиҳонларда ҳам тан олинади.

Давлатимиз раҳбари касбий таълим масаласига алоҳида тўхталди. Соҳа учун 2026 йил — Ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш йили бўлиши таъкидланди.

Шу мақсадда Касбий таълим агентлиги ташкил қилинади. Агентликнинг асосий вазифаси барча 598 та техникумга янги муҳит олиб кириш ва халқаро стандартларни жорий қилишдан иборат бўлади.

Давоми 2-бетда

Аграр соҳада инновация

Яровизация –

УНУВЧАНЛИКНИ ОШИРИБ,

ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИНИ ҚИСҚАРТИРАДИ

ЁХУД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ҲАҚИДА

Бугун нафақат юртимизда, балки бутун дунё қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кўтаришга қатор омиллар тасир қилаётгани бор гап. Айниқса, бу кейинги йиллардаги глобал иқлим ўзгариши шароитида яққол намоян бўлмоқда. Жумладан, сув танқислиги, тупроқнинг тобора шўрланиб бораётгани, унумдор гумус қатлами камайиб кетиши, унумдорлик ҳамда шўрхокликни камайтирувчи микроорганизмлар тақчиллиги каби омиллар катта тўсиқдир. Бунинг устига тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни оширишга ёрдам берувчи биологик ўғитлар қимматлиги ва биоўғитларни катта майдонларга қўллаш молиявий жиҳатдан чеклангани муаммоларни бартараф этиш имконини бермаяпти.

Давоми 3-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ – ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИШ ВА НАТИЖАДОРЛИК ОМИЛИ



Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини янада кўтариш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизга хизмат қилиш бугун олдимизга қўйилган пировард мақсадимиздир. Бунга эришиш борасида юртимизда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар жараёнида давлат молия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бюджет сиёсатини замонавий талаблар асосида мақдлантириш ва макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлигини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Бюджетни режалаштиришдан бошлаб, унинг ижроси ва назоратига бўлган барча босқичда самарадорликни ошириш, маблағларни манзилли ва мақсадли йўналтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомига риоя этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини

таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида аниқ вазифа ва йўналишлар белгилан берилган.

Мазкур ҳужжатларга асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлигида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати, шунингдек, юқори турувчи органларнинг ҳар бир топшириғи ижросини таъминлашда алоҳида ёндашув, тартиб ва профессионаллик билан иш қўрилади.

Давоми 4-бетда



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Қўлланилаётган кимёвий ўғитлар туپроқ биохилма-хиллиги (микроорганизмлар) йўқолишига сабаб бўлмоқда. Туپроққа малҳам бўладиган биоўғитлар нархи эса баланд. Қолаверса, зарарли иссиқхона гази ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Шу боис, айти пайтда бу муаммоларни бартараф этиш учун илм-фан ютуқлари ва инновацияга асосланган оддий, камхаражат, ноанъанавий ва ҳаммабоп, ҳамёнбоп, лекин қўшимча даромад берувчи ёндашув ҳамда тажрибаларни жорий қилиш ҳаётий заруратга айланмоқда.

Қуйида бир қарашда ана шундай жуда жўн, лекин иштиёқ ва ҳафсала бўлса, барча ўз ерида амалга ошира оладиган бир неча янгича ёндашув билан ўроқлашмоқчимиз.

Туپроқни “тирилтирувчи” малҳам

Дастлаб қайта тикланувчи (регенератив) қишлоқ хўжалигини жорий қилишда оддий дала шароитида фермернинг ўз қўли билан яратиладиган ҳаётбахш шира, яъни живамрит ва бокаши биоўғити ҳақида маълумот берамиз. Ҳиндлар живамрит деб атайдиган бу суюқ биоўғит барқарор қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳим. Чунки у туپроқ соғломлигини тиклайди, экин ҳосилини ошириб, кимёвий ўғитларга қарамликни камайтиради.

Аслида, “живамрит” атамаси санскрит тилидан келиб чиққан бўлиб, “жееван” (ҳаёт), “амрит” (шира) маъноларини англатади. У “ноль харажати” табиий деҳқончилик тизимида кенг қўлланилади. Живамрит фермаларда осон топиладиган таркибий қисмлардан тайёрланади.

Унинг асосий “масаллиги” даладан (бир контурдан) олинган бир белкуррак туپроқ (далага хос микроорганизмлар тўплами), сув ва озуқадан (шакар, гўнг, мол пешоби) иборат.

Шароитта қараб, 50-200 литрли бочкага даланинг ҳар жойидан олинган бир белкуррак туپроқ, янги мол гўнги (10 килограмм) озуқа моддалар ва микроорганизмлар-иникуляторлар манбаи), сигир пешоби (10 литр, азотга ва ўсимли рағбатлантирувчи моддаларга бой), лавлагги ёки жўхори шираси, дуккакли экинлар уни (2 килограмм, оқсил ва азот) ва сув (ферментация учун) солиб аралаштирилади.

Дала шароитида зарур компонентлар топилмаганда ушбу биоўғит даладаги (контурдаги) бир белкуррак (2 килограмм) туپроқ, бир коса шакар (ёки лавлагги қиёми) ҳамда сув аралашмасидан тайёрланади.

Ушбу таркибий қисмлар 200 литрли бочкага солинадиган ва сув билан яхшилаб аралаштирилади, 7 кун давомида сойда ачитиб қўйилади. Эрталаб ва кечкурун аралаштириб турилади.



Живамритни тўғридан тўғри туپроққа қўллаш ёки 3-7 кун давомида барглари устига пуркаган ҳолда ишлатса бўлади. Ушбу биоўғитни йил давомида тайёрлаб, фойдаланиш мумкин.

Унинг афзаллиги талайгина. Хусусан, туپроқни азотни ўзлаштирувчи бактерия ва фосфатни эритувчи микроорганизмлар билан тўйинтиради. Ҳосилдорликни оширади. Фермада мавжуд компонентдан ишлатилади ва ўғитларга кетадиган харажатларни камайтириши боис, тежамкор. Экологик хавфсиз. Кимёвий қолдиқлар қолдирмайди, туپроқдаги органик углевод микдорини кўпайтиради.

Қисқа қилиб, живамритни фермерлар яратган анъаналарга асосланган, аммо илм-фан томонидан тасдиқланган инновация, десак бўлади. У экотизимга зарар етказмасдан экин ҳосилдорлиги ва чидамлилигини оширишга хизмат қилади.

Фермерларимиз дала шароитида дўконларда мавжуд микробиологик ўғитларни ҳам живамрит тайёрланган бочкаларда ўзлари кўпайтириб, далага янги доимий микроорганизмларни киритиши ва туپроққа янада малҳам бериши мумкин. Бунинг учун агар живамрит тайёрланаётган бочкага барча “масаллиқ”лар билан бирга бирор номдор биоўғитдан бир томизги қўшиб қўйилса киёфия. Қарабсизки, бу дала янги фойдали микроорганизмлар билан бойиб, ер қайта тикланиб бораверади. Ҳинд деҳқонлари буни бокаши ўғити деб атайди.

Бокаши ҳам живамритдек жуда кам харажатли, лекин ўта самарали дала услубидир. Айти пайтда вазирилимиз томонидан Фермерлар кенгаши билан биргаликда уни



ёки кислородсиз ёпиқ шароитда (пиролиз) қиздириш орқали олинади. Говак тузиллига эга биочар қўлланганда, туپроқнинг органик моддалар ва ўсимликлар учун муҳим бўлган озуқа элементлари микдори ошади. Намлик ушлаб турилади, микроорганизмлар фаоллиги яхшиланиб, хилма-хиллиги кўпаяди. Гумус ва озуқа элементлар билан кам таъминланган туپроқларда яхши натижа беради. Биочарнинг говакдорлиги туپроқ таркибини яхшилайди. Ўсимликлар ўзлаштира оладиган элементларни тўплаб, турли ўғитлар қўллашни камайтиради. Биочар туپроқдаги углевод (С) захирасини кўпайтириб, туپроқдан чиқадиган захарли газ чиқиндиларини камайтиради, иқлим ўзгаришини юмшатишга хизмат қилади.

Биочарни саноат усулида тайёрлаш анча қimmat ва махсус ускуналарни талаб этади. Бироқ дала шароитида бунинг имкони борми? Албатта, бор! Бунинг учун гўшт, белкуррак, челак, сув, гўзапоя ва хандақ керак бўлади. 2x2 ёки 3x3 метр ўлчамдаги конуссимон шаклда (бу жуда муҳим!) хандақ қазилади, гўзапоя майдаланиб, хандаққа жойлаштирилади. Хандақдаги гўзапоялар устидан (юқори қисмидан) олов ёқилади ва чўғ ҳолатига келганда устидан сув сепилади (эслатма: остидан ёқилса, гўзапоя кулга айланади). Хандақ усти туپроқ билан камида 4-5 соатга ёпилади.

Бутунгун кунда Ўзбекистонда 875 минг гектарда чигит экилиб, 3,8 миллион тонна пахта хомашёси етиштирилади ва ўртача 5,5 миллион тонна гўзапоя олинади. Маълумот учун айтиш мумкинки, пахта майдонлари карбонат ангидрид (СО₂)ни ютувчи, камайтирувчи манбадир. Лекин кузда майдаланиб, далага сочиб юборилган гўзапоянинг 1 тоннаси парчаланганда атмосферага 2,5-3 тонна карбонат ангидрид ажралиб чиқади. 5,5 миллион тонна гўзапоя парчаланганда атмосферага қарийб 16,5 миллион тонна зарарли газ ажралиб чиқади.

Агар юқоридида усулда даланинг ўзига гўзапоядан биочар олинса, СО₂нинг катта ҳажми атмосферага қайтиб чиқмай, ерда

узоқ муддат қолади. Сабаби, биочар 100 йилгача секин-аста парчаланади ва мавсумда гўза томонидан ютилган СО₂ газини 100 йилга ер қарига “қамаб” қўйиш мумкин.

1 гектар пахта майдонидан ўртача 6-7 тонна гўзапоя олинади. 1 тонна гўзапоядан ўртача 450-462 килограмм биочар ишлаб чиқарилади. Бу мавсум охирида гўзапояни майдалаб, ерга сочиб юборишдан кўра самарали бўлиб, гектарига 3-4 карбон бирлигидаги газнинг тарқалишини камайтиради.

Дунё карбон бозорида эса турли гигант корхоналар томонидан (Shell, Microsoft, Boeing, Walmart, Chevron, Tesla) 1 карбон бирлигига 173 доллар миқдорида маблағ тўланади. Бу биочар ишлаб чиқариб, яна ўз даласига солган фермерга гектарига 400 доллар миқдорида қўшимча даромад дегади.

Дунё карбон бозори йилига 16-17 фойз ўсиб, 2024 йили қарийб 500 миллиард долларга етди ва карбон бирликларини ишлаб чиқиш ва уни сотиб олиш кенгайиб бормоқда. Мақсадимиз — СО₂ газини энг кўп ютадиган табиий пахтазорларимиздан унумли фойдаланиб, фермерга тола ва чигит устига қўшимча даромад келтириш. Бунинг учун биринчи босқичда фермер хўжаликлари биочар тайёрлашга ўргатилади, иккинчи босқичда илгор хўжаликлар халқаро компаниялар томонидан сертификация қилиниб, йиллик мониторинг юргизилади ва учинчи босқичда йиллик корхоналарга фермер тайёрлаган карбон бирликлар сотилади. Қолаверса, гўзапоядан олинган биочар (биоқўмир) да туپроқ учун фойдали азот (N), фосфор (P), калий (K), кальций (Ca), магний (Mg) ва кўплаб микроэлементлар мавжуд бўлиб, улар туپроқ шўрланишини камайтиради ва туپроқ микробиотасини жуда тез қайта тиклашга ёрдам беради. Говаклиги туфайли туپроқда ҳаво яхши айланади ва экинлар гурқираб ривожланади. Фақат ишқорий табиатга эга биочар дала бўйлаб бир текисда сочилиши ва сочишда олдин кислотали табиатга эга живамрит билан аралаштирилиб, нейтралланиши яхши самара беради.

Ўзбекистонда қурғоқчиликка учраган ва турли даражада шўрланган, унумдорлиги паст ерларда (Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида) ушбу тажриба асосида 2 та лойиҳа амалга оширилган. Хусусан, гўзапоядан биочар олинган. Бир гектарга 5-10 тонна миқдорда қўлланилганда туپроқ органик модда ва микроэлементлар билан бойиб, сувни ушлаб туриш қобилияти ва экинлар ҳосилдорлиги 10-20 фойз ошган.

Эпигенетик ёндашувлар арзон ва ҳаммабоп усул

Уруғларни тиндириш, дам олдириш ва уларни экишдан олдин уйғотиш ҳосилдорлик гаровидир. Кўпинча биз

экинлар генетикасига эътибор қаратиб, ҳар қандай геннинг ишлаши учун шароит кераклигини эсдан чиқарамиз. Бошқача айтганда, бир мавсумдаги уруғни йиғиб оламиз-ку, 2-6 ой ўтмасдан кейинги мавсумга экиб юборамиз. Масалан, ғаллачиликда. Натижада тўла тиним даврини ўтамаган, ўзи мавсумнинг июль ойида етилган, бироқ сентябрь ойида яна ерга қадалган бугдой уруғи яхши унинг чиқмайди. Сабаби, тиним даври ўталмаган, уруғ экишга тайёр эмас. Оқибатда ҳосилдорлик пасайиб бораверади. Чигитда ҳам шундай. Кузда терилган чигит баҳорда ерга қадалади. Ёки картошка “кўзлари” чиқар-чиқмас ерга қадаб юборилишига кўп гувоҳ бўлганмиз.

Шунинг учун вазирилимиз ташаббуси билан бир неча экинлар уруғларини тиндириб экиш амалиёти жорий қилинди. Яъни уруғ бир мавсум ўтказилиб, яхши шароитларда сақланиб, етилтириб экилмоқда. Масалан, гўза чигити 2022 йилдан бошлаб 30-40 фойз миқдори захирага олиниб, бир мавсум тиндирилмоқда ва кейинги мавсумда экилмоқда. Бунда ҳосилдорлик гектарига тиндирилмасдан экилган бир хил наъва нисбатан ўртача 6 центнер юқори бўлиши амалда исботини топди. Бу амалиёт пахтачиликда кенг қўлланилмоқда.

Бироқ бугдойни бир мавсум сақлаш машаққатли, кўп ҳолларда уруғга мита тушиб зарарлаб қўяди. Нима қилиш керак? Донли экинлар уруғларини тез тиндириб олиш учун уларни совиткича қўйиб, қисқа муддат “ухлатиб” олиш керак. Бу илмий тилда уруғни яровизация қилиш дейилади.

Яровизация (вернализация) ўсимликнинг мавсумий ўзгаришдан мўътадил иқлим шароитига мослашиш учун совуқ шароитга қўйилган уруғнинг физиологик (эпигенетик) реакция натижасида унинг қишки об-ҳавога мослашувчанлиги ҳамда эрта, шунингдек, бир хил гуллашга эришиш мақсадида қилинадиган жараён. Бу жараён кўпинча донли экинлар, сабзавотлар ва айрим мевали дарахтлар учун қўлланилади.

Яровизациянинг мақсади уруғ унувчанлигини ошириш, ўсимликнинг вегетация даврини қисқартириш, юқори ва барқарор ҳосил олиш, совуққа чидамлилигини ошириш, ҳосил сифатини яхшилашдир.

Яровизация учун ҳарорат 1°C — +5°C оралиғида, уруғлик намлиги 10-12 фойз, хона намлиги 30 фойзгача бўлиши шарт.

Муддат экин турига қараб 45 кундан 60 кунгача. Бунда 1 тонна уруғликни ўртача 40-45 кун давомида совиткичи омборда сақлаш харажатлари (электр энергияси, ташиш, ортиш ва тушириш) ўртача 350-360 минг сўмини ташкил этади.

2024 йил мавсумида барча вилоятларда 1000 гектар майдонда тажриба-синов ўтказилди. Бир контурда яровизацияланган ҳамда оддий усулда сақланган

уруғликлар экилиб, бир хил агротехник тадбирлар бажарилди, илмий асосланган тавсиялар бўйича парваришланди.

Яровизацияланган майдонларда генетик жиҳатдан бир хил бўлган наъва анъанавий усулда экилган майдонларга нисбатан кўчат қалинлиги ўртача 0,5-1 миллион донагача (минг гектар майдонда 1 миллиард дона кўчат кўп), бир пайтда гуллаши (анъанавийда бирин-кетин гуллайди) ҳамда бошқолардаги доннинг бир хиллиги кузатилди. Натижада яровизацияланган ғалла анъанавий усулда экилган ғаллага нисбатан апробациядан ўтказилганда битта бошқолдаги доннинг сони 5-6 та, минг дона доннинг оғирлиги 4-5 грамм кўп бўлиши ҳисобига гектаридан ўртача 8-10 центнер кўп ҳосил олишга эришилди. Яъни яровизация қилинган 1 тонна уруғлик (4 гектарга экилади) экиш ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 8-10 центнер юқори бўлганда 4 гектардан қўшимча 3,5 тонна ғалла олиш ва 8-10 миллион сўм қўшимча даромад қилиш имкони мавжуд.

Келгуси йилдан бошлаб яровизация қилинган уруғларни барча майдонларга тўлиқ экиш амалиёти жорий этилади. Бу Вазирилар Маҳкамаси қарори билан белгиланди. 2026 йил ҳосили учун 200 минг тонна уруғлик бугдой тайёрланиб, белгиланган тартибда тиним даврини ўтатиш учун (яровизацияланган уруғ) ҳудудлардаги мавжуд совиткичи омборхоналарда сақлаш чоралари кўрилди. Барча дон ва дуккакли экинлар уруғларини совиткичда ана шундай яровизация қилиш усули деҳқонларимиз ва томорқа эгаларига қониқойди! Харажат йўқ, иштиёқ бўлса бас!

Худди шундай, картошкани экишдан олдин яровизация қилиш жуда муҳим. Фақат картошкани совиткичлардан ёки қиши билан сақланган ерғўлалардан олиб, уларни нишлатиш лозим. Албатта, иссиқ шароитга қўйилган уруғлик картошка тезда уйғониб, нишлайди, қоронгироқ жойда қолса нимжон, узун, оқ рангли ўсимталар пайдо қилади. Бироқ картошка туганаклари қизил чироқ тагига 1 ой давомида қўйилса, унинг барча генлари уйғонади ва унинг чиқиши, келажакда соғлом ўсиши ва юқори ҳосил олишга ёрдам беради. Ушбу эпигенетик тадқиқот орқали туганакларда физиологик фаоллик жадаллаштирилиб, ниҳолларнинг эрта ва бир хил пайдо бўлишига имкон яратилади. Бу усулни кенг жорий этишдан асосий мақсад уруғ туганакларини эрта ва барқарор нишлатишга, ниҳолларнинг бир хил, соғлом бўлишига, эрта экишга, ҳосилдорликни оширишга эришишдир.

Технологик жараён тартиби ўзига хос. Уруғлик тайёрлашда 30-50 грамм оғирликдаги, шикастланмаган, вирус ва замбурғдан холи туганаклар танланади. Зарур ҳолларда (агар совиткичда сақланган бўлса) қуруқ жойда 5-7 кун давомида ташқи муҳитга мослаштирилади.

0,8-1,5 кВт керамик чироқлар туганак юзасидан 1-1,5 метр баландликда жойлаштирилади (жойлашувда ҳаво айланиши бўлиши шарт). Туганаклар кунига 4-6 соат, кетма-кет 15 кундан 1 ойгача 20-25°C ҳароратда, 60-70 фойз нисбий намлик ҳажимида сақланади. Туганак ҳарорати ҳар кунни термометр билан текшириб борилади, ҳақдан ташқари иссиқ (>30°C) ёки намлик йиғилиши мумкин эмас. Ҳаво айланишини таъминлаш учун ҳар 2-3 соатда шамоллатилади.

Шунда махсулотни бозорга тез чиқариш (эрта ҳосил) ва юқори даромад олиш, ҳосилдорликни 20 фойзгача ошириш мумкин. Муҳим, ёндашув экологик тоза.

Хулоса қилиб айтганда, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида юқори ҳосилдорлик ва қўшимча даромад олиш билан бирга, экологик барқарорлик, туپроқнинг қайта тикланишини мунтазам таъминлаш, ресурсларни тежаш жуда муҳим. Юқорида баён этилган ёндашувлар орқали фермерлар қўшимча даромад олиши ўзларининг иштиёқи ва меҳнатига боғлиқ.

Вазирилимиз жамоаси янги ёндашувларни тушунтириш учун ҳудудларда семинарлар ташкил этиб, тарғибот ва ташвиқот қилмоқда. Вегетация даврида агротехник тадбирларни илмий асосда ташкил этиш учун вазирилик ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг олим ва мутахассислари фермерларга қўмакчи бўлади.



ИҚТИСОДИЁТ УЧУН КАТТА ҒОЯЛАР МАЖМУАСИ ДЕМАҚДИР

ТОШКЕНТ ШАХРИДА МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мазкур танлов 2025 йил май-июль ойларида уч босқичда ташкил этилди. Унда 40 ёшгача бўлган иқтидорли 1262 муҳандис интеллектуал салоҳияти ва янгича қарашларини намоён қилди. Иштирокчиларнинг лойиҳалари инновационлик, самарадорлик, амалий қўллаш имконияти ҳамда барқарор ривожланиш мезонлари асосида баҳоланди.

Яқуний натижаларга кўра, 28 ғолиб аниқланди. 9 нафар 1-ўрин соҳиби замонавий электромобиллар билан тақдирланди. Иккинчи ўрин эгалари ва “Барқарор ривожланиш учун энг яхши иxtиopo” номинацияси ғолиби хорижий давлатда барча харажати қопланадиган стажировка йўлланмасини қўлга киритди. Учинчи ўрин соҳибларига эса 37,5 миллион сўмлик пул мукофоти тақдим этилди.

Ғолибларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг таълимини ислох қилиш бўйича ўринбосари Ҳилола Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Кўнгиротбой Шарипов тантанали топишди.

— Танловда биринчи ўринни эгаллаганим мен учун қутилмаган воқеа бўлди, — дейди Тошкент давлат транспорт университети профессори Зиёда Одилова. — Очиғи, лойиҳамни мукофот олиш учун тақдим этмагандим. Мақсадим соҳада янгиллик қилиш, айрим муаммоларга ечим топиш эди.

Ғоя муаллифининг таъкидлашича, мамлакатимиз темир йўл хизматида қўлландиган махсус ўзюрор автотранспорт воситалари парки анча эскирган. Ҳозир юртимиз бўйича тахминан 184-186 та восита эксплуатация қилинмоқда, лекин улардан салмоқли қисмининг самарадор-



лиги псайагн. Янгилари эса жуда қиммат — битта техника 1,5-2 миллион доллар атрофида туради. Бу эса катта харажатдир. Молиявий чекловлар сабабли паркин тўлиқ янгилаш қийин, натижада эски техникани модернизация қилиш зарурати туғилади.

Мавжуд дизелли воситаларнинг ёнигли сарфи ва эксплуатация харажати юқори бўлиб, бу масала замонавий ечимларни талаб қилмоқда. Шу боис, тақдим этилган лойиҳада уларни гибрид тизимга ўтказиш (дизель-электрли гибрид қурилмалар билан жиҳозлаш) энг мақбул ечим сифатида тақлиф этилди.

Гибрид тизим ҳисобига дизель истеъмоли сезиларли даражада камаяди. Масалан, тадқиқотларга кўра, гибрид технология жорий этилиши энергия истеъмолини 10-15 фоиз камайтириши мумкин. Бу ёнигли тежамкорлигини ошириб, эксплуатация харажатини псайтиради.

Дизель ва электр комбинацияси натижасида двигател атмосферага чиқарадиган карбонат ангидрид гази ва бошқа зарарли чиқиндилар тахминан 30 фоиз камаяди. Бу эса Ўзбекистоннинг яшил ривожланиш мақсадларига ҳамоҳандир. Натижада ҳавонинг ифлосланиши камайиб, экологик ҳолат яхшиланади.

Модернизация натижасида дизелли воситаларнинг қўлланиш муддати ўртача 10-12 йилга узайиши қутилмоқда, яъни паркинг фойдаланиш даври сезиларли даражада ортади.

Умуман олганда, ушбу лойиҳа Ўзбекистон темир йўл соҳасида инновацион ечим бўлиб, муаммоларни ҳал этиш баробарида транспорт тизимининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

Танловнинг яна бир ғолиби Ўзбек Озодов ёшлигидан илм-фан ва техникага катта қизиқиш билан улғайди. Бугун у

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИ

Хоразм азалдан қулай географик жойлашуви, бой иқтисодий салоҳияти ва табиий ҳимоя қўرғонларига эгалиги билан кўплаб фотиҳлар эътиборини тортган. Қипчоқ даштидан Синд дарёсигача, Шарқий Туркистондан Форс кўрфазигача астаниб ётган катта саҳролар, текисликлар, тоғлар, адирлар ва воҳаларни ўз ичига олган Ануштегин хоразмшоҳлар давлати (1097-1231 йиллар) ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Бу давлат жаҳон тарихида барпо этилган энг йирик империялар қаторида туриши билан доимо тарих ихлосмандларининг эътиборини тортиб келган.

Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида айтилишича, Хоразмда олим яшаган давргача 3 та сулола — афригийлар (милoddан аввалг 1200, милoddий 995 йиллар), маъмунийлар (995-1017 йиллар), олтинтошлар (1017-1034 йиллар) Хоразмшоҳ унвони остида ҳукмронлик қилган. 1017 йилда маъмуний хоразмшоҳлар сулоласи тахтдан ағдарилгач, давлат бошқаруви келиб чиқиши туркий элатдан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтади. Дастлаб тахтга ғазналик Маҳмуд назорати остидаги олтинтошлар сулоласи, ундан сўнг келиб чиқиши ўғуз туркларидан бўлган Шоҳмалик ўтиради. Шундан сўнг Хоразм бошқа бир туркий қабила — салжуқийлар давлати таркибига киритилади. Биз сўз юритмоқчи бўлган ануштегинийлар (1097-1231 йиллар) давлати айнан мана шу сулола ҳукмронлиги йилларида вужудга келган.

1043 йилдан сўнг Хоразмни салжуқийлар томонидан тайинланган волийлар бошқаради. Жумладан, Хоразм 1066 йили



1210 йилнинг сентябрида бугунги Иломиш саҳросида шиддатли жанг бўлиб, Хоразмшоҳнинг ғалабаси билан тугайди. Қочиб кетган қорахитойлар Ўзгангача қувиб борилади. Мовароуннаҳрдаги барча қалъа ва шаҳарларга волийлар Хоразмшоҳ томонидан тайинланади. Айни пайтда шимоли-шарқдаги энг муҳим шаҳарлардан бири Ўттор ҳам эгалланган эди.

Маликшоҳнинг ўғли Арслон Аргунга топширилади. Тарихчи Ибн ал-Асир 1093-1094 йилларда Хоразмда Иззулмулк Абу Абдуллоҳ Хусайн ибн Низомулмулк ҳокимлик қилгани тўғрисида маълумот берган. 1097 йилдан салжуқийлар волийси бўлган Ануштегин хоразмшоҳлар давлати янги сулоласининг тамал тошини қўяди. Ануштегин ким бўлгани тўғрисидаги маълумотлар Ибн ал-Асир, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ибн Фундук ал-Байҳақий, Жувайний ва бошқа ўрта асрлар ҳамда замонавий давр тарихчилари асарида учрайди. Уларнинг маълумотини умумлаштирган ҳолда куйидаги фикрларни билдириш мумкин.

Ануштегин салжуқийлар давлати арконларидан бўлган Билгадегин гарчистонлик Билгабег исмли амирдан сотиб олган кўл эди. Гарчистон — ҳозирги Афғонистондаги Мурғоб дарёсининг юқори оқимида жойлашган тарихий вилоят. Рашидиддин Фазлуллоҳга кўра, у Гарчистондан сотиб олингани учун Ануштегин Гарчан, яъни гарчалик Ануштегин деб ҳам аталган. У ақли ва билимли бўлгани учун салжуқийлар давлатида хизмат поғоналаридан бирма-бир юқорилаб боради ва таштдор — султон ҳаммомлари ва ҳовузларининг бошлиғи ҳамда айни пайтда Хоразм шихнаси унвонини олади.

Салжуқийларга қарашли Хуросон амири Олтунош ўғли Додбек Ҳабаший 1097 йилда Хоразмни қисқа вақт идора қилган Қўчор ўғли Экинчидан олиб, Ануштегин вафотидан сўнг унинг ўғли Қутбиддин Мухаммадга берди. Қутбиддин Мухаммад отасидан фарқли равишда Хоразмшоҳ деган унвон олди. У ҳақида Шамсиддин Заҳабий (1274-1348 йиллар) бундай маълумот келтиради: “Подшоҳ, олим Абул Фатҳ Мухаммад ибн Нуштегин диндор, фозил, тақводор, замоннинг



волийлик қилаётган ўғли Эл Арслон Гурганжга келиб, тахтни эгаллайди.

Эл Арслон ҳокимиятининг дастлабки йилларида Мовароуннаҳрнинг ишларига аралаша бошлаган, Хуросонда ҳам сезиларли харакатлар қилган. Жумладан, Дехистон Хоразмга қўшиб олинади ва у ерда Хоразмшоҳнинг ноиб қолдирилади. Эл Арслон 16 йиллик ҳукмронлиги давомида отаси Отсиз каби ҳокимиятни мустақил бошқаришга ҳаракат қилди. У Султон Санжарга йўллаган расмий номларида ўзини унинг “мухлиси”, “ишончли дўсти” деб атаган.



бошқа тарафдан яна бир сиёсий ғалабага эришади. Ироқдаги жанговар харакатлари туфайли халифа Носир ниҳоят хоразмшоҳнинг ҳақиқий қудратини ва салтанатини тан олади. Халифа Носир элчилари Султон Такашга ҳадялар, тўнлар билан бирга Хуросон, Туркистон ва Ироқ мамлакатларининг ҳукмдори бўлиш ҳақидаги фармонини келтирган эди.

Султон Такаш 1200 йил 29 март куни вафот этади. Ундан кейин ҳокимиятга келган Қутбиддин Мухаммад отасининг исми — Алоуддин номи билан тахтга ўтиради. Султон Алоуддин Мухаммад салтанат бошқарувининг дастлабки йиллари хонадон аъзолари қаршиликларига, гурийларнинг истилочилик юришларига қарши кураш билан ўтади. Кўп ҳудудлар қатори Ироқ ҳам қўлдан чиқиб кетган эди. Гурлар ҳатто 1204 йилда Хуросондан ташқари Хоразмни ҳам деярли эгаллашга ва пойтахт Гурганжни қамал қилишга муваффақ бўлади. Гурганж қамали пайтида буюк фақиҳ Шаҳобиддин Хевақий (Нажмиддин Қубро)нинг минбарда туриб аҳолини душманга қарши даъват қилиши, Мухаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг вақтида кўрган чора-тадбирлари, ёрдамга чақирилган қорахитойларнинг айни вақтда етиб келиши сабаб гурийлар Хоразмдан ҳайдаб чиқарилади. Гурийларнинг Хоразмга юриши ўзлари учун ниҳоятда янқил туғайди. Улар қўшини юртига етгунига қадар қувилиб, қирғин қилинади. Ниҳоят 1205 йили Гур султони Шаҳобиддин душманик қилмаслик тўғрисида онг ичиб, ёрдам керак пайтда Хоразмшоҳга кўмакка шайлигини билдиради.

Бухорода юзага келган тартибсизликлар даврида бухороликлар Султон Мухаммаддан ёрдам сўраган эди. Шу муносабат билан у Бухорога юриш қилиб, улканинг таниқли кишилари ёрдамда шаҳарни эгаллайди ва зўравонларни жазолайди. Гурийлар билан жангдаги ғалабаси, бухороликларнинг илтимосини қаноатлантириши Султон Мухаммаднинг минтақадаги обрўсини оширади. Самарқанд хони, қорахоний ҳукмдор Усмон Султон Мухаммад томонидан юборилган элчиларга ўзининг Хоразмшоҳга тобе эканини маълум қилади ва унинг номига хутба ўқитиб, танга зарб қилдиради.



Қорахитойлар давлати Самарқанддан маҳрум бўлгач, урушга жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Хоразмликлар дастлабки жангларда қўшини ичидagi хиёнат сабаб огир мағлубиятга учрайди. Ҳатто Султон Мухаммад қорахитойлар қўлида муайян муддат асир бўлади. Мағлубитдан сўнг Гурганжга қорахитойлар элчиси келиб, келишилган ҳирож тўланишини талаб қилади ва Султон Мухаммадга ҳурматсизлик кўрсатиб, салтанат тахтига — Султоннинг ёнида ўтиради. Бу ҳурматсизлиги туфайли Султон Мухаммад буғруғи билан элчилар Амурдарёга чўктирилади. Оқибатда қорахитойлар ва хоразмшоҳлар ўртасида кескин келиш-мовчилик юзага келади.

1210 йилнинг сентябрида бугунги Иломиш саҳросида шиддатли жанг бўлиб, Хоразмшоҳнинг ғалабаси билан тугайди. Қочиб кетган қорахитойлар Ўзгангача қувиб борилади. Мовароуннаҳрдаги барча қалъа ва шаҳарларга волийлар Хоразмшоҳ томонидан тайинланади. Айни пайтда шимоли-шарқдаги энг муҳим шаҳарлардан бири Ўттор ҳам эгалланган эди.

Бу воқеадан сўнг Султон Мухаммадни “Иккинчи Искандар”, “Султон Санжар” деб атай бошлайдилар. Мухрларидан бирига эса “Аллоҳнинг ер юзидagi сояс” ибораси ёзилган эди. 1215 йили гурийлар давлати ҳудудларидаги ўзбошимчиликларни тугатишни истаган Султон Мухаммад Гур, Хирот, Гаржистон, Заминдовар, Ғазна, Хиндистонгача бўлган ҳудудни эгаллаб, уларни бошқаришни катта ўғли Жалолиддинга топширади. Мазкур муваффақиятли ҳарбий юришлар натижасида ўша даврдаги эллика яқин йирик шаҳарни бирлаштирган улкан салтанат вужудга келади. Хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасидаги буфер давлат вазифасини ўтаган Қорахитойлар давлатининг йўқ қилиниши салтанатнинг кейинги тақдирига жиддий таъсир қилган дейиш мумкин.

Шохрухмирзо ИСМОИЛОВ,
Маъмун университети
доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

2025 йил 16 сентябрь, 191-сон



Инсоният тарихи — сўз тарихи. Авлодлар тажрибаси, хиссиётлари, ғоялари ва орзулари ҳаммиша сўзда қолган, сўзда сақланган, сўздан узатилган. Сўзсиз тарих йўқ, мутолаасиз эса сўзнинг қиймати. Илк оғзакли дostonлару дастлабки кўлэмалардан тортиб, электрон матнларгача бўлган жараённинг ҳаммаси битта мақсадга хизмат қилиб келди — инсонга ўзини ва оламни танитиш, уни борлиқнинг мангу тартибли оқимиға кўшиш, кимлик моҳиятини англатиш.



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун эса замоннинг тезкор пульсига кўниккан кишининг турмуш тарзи, фаолияти ҳам тезлашди. Давр шиддати уни доимий равишда “Кейингиси нима ҳақида?” деган ғалати ҳолатга солиб қўйди. Одамлар бир матинни тўлиқ кўздан кечирмай туриб, фақат сарлавҳани ўқишга одатланди, видеоконтентни охиригача кўришга тоқати етмай қолди. Мақсад — кўпрокъ нарсани камрокъ вақтда билиш. Лекин шошмашошарликнинг оқибати биз ўйлагандан анча хатарли экани кўп ўтмай аён бўлди: диққат парчаланди, онгда узвийлик йўқолди, хотира суслашди.

Хўш, ҳаракатлар пала-партишлик билан кечаётган пайтда мутолаани қандай қилиб ушбу ритмга мослаштириш мумкин? Мутолаа масаласи инсоннинг ҳаётий йўлини белгилаб берувчи муҳим савол сифатида кун тартибда турар экан, бадий адабиётни қай усулда тақдим этсак, унинг таъсир доираси каттароқ бўлади, одамлар қалбидан чуқурроқ ўрин эгаллайди? Натижа қай ҳолатда бирдан сезилади?

Болада ўқиш кўникмаси бўлиши шартми?

Ҳар қандай китобнинг қадри китобхонни ўз олдига савол қўйишга мажбур этишида намоён бўлади. Шу орқали инсон тафаккурига тартиб, исталган янгиликни биринчилардан бўлиб эшитишга, ўқишга ўч миссияга эса вазмиллик, хотиржамлик қиради.

Китобга қизиқишни уйғотиш учун фақат “китоб ўқиш керак” деган гаплар кифоя қилмайди. Китоб ҳаётининг бир қисмига айланиши керак, — дейди болалар ёзувчиси Саъдулло Куронов. — Масалан, оилада кечқурун барча экрандан узилиб, ўзаро китобдан парча ўқиб муҳокама қилиш одатга айланса, бу китобнинг аҳамияти жонли равишда кўрсатилган бўлади. Ёки мактабда қаҳрамонларнинг қарорлари ҳақида қизиқарли бахслар ташкил этилса, китоб ўқиш ўқувчи учун тирик жараёнга айланади. Бундай мисоллар шундан далолат берадики, китобга интилиш ундан олинган маънога боглиқ. Китоб ўқиш орқали киши ўзини топади, саволларига жавоб қидиради, хиссиётларини бошқаради ва ўз йўлини англайди. Агар китоб маъна шу вазифани адо этса, у смартфондан олдин танлангани табиий ҳолга айланади. Болалар ёзувчиси бўлганим учун кўп сўрашади: болада ўқиш кўникмаси бўлиши



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Бугунги китобхон — прагматик

— Ҳозирги ёшлар китоб ўқимайди деган фикрга қўшили олмайман. Одамлар ўз ёшлигини идеал ҳолатда эслашга мойил, бу табиий. Улар ўз вақтида ўқиган китобларини, даврнинг жойибасини эслаб, ҳозирги авлодни уларнинг фонида



фикр алмашиш орқали ҳам мустаҳкамлайди. Бу эса нафақат китобхонлик, балки интеллектуал фаолиятнинг ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги китобхон — прагматик. У энг замонавий билимлар ва маълумотларни тез ҳамда сифатли ўзлаштиришга интилади. Кўнгил хаваси учун кутубхонада вақт ўтказадиганлар ҳозир жуда кам. Аксинча, аниқ мақсад ва ният билан кутубхона оstonасидан қадам қўяётган китобхонлар кўпчиликини ташкил этади.

Айтиллик, пайвандлаш бўйича замонавий усулни ўрганиш ниятида кутубхонага келган китобхонга шу соҳадаги энг янги китоб тақдим қилинса ва у шу асосда ўз малакасини бир қадар оширишга эришса, ишонаринг, у яна шу масканга қайтиб келади. Айрим кузатишларда қайд этилишича, қаерда ишисизлик кўпроқ бўлса, ўша ерда кутубхонага қатнов ҳам ортади. Чунки меҳнат бозорида рақобат кучайган сари билим ва малакаси юқори мутахасссининг қўли баланд келади. Демак, китобхонни кутубхонага манфаат етаклаб келади.

боҳолайди, — дейди ёзувчи Шавкат Дўстмуҳаммад. — Аслида, ўша даврда ҳам китобхонлар қаторида умуман қўлига китоб ушламаганлар ҳам бўлган. Бугунги китобхон танлаш имконига эга, яъни ахборот танлови кўпайган. Илгари китоб асосий билим манбаи эди. Энди эса китоблар ёнига аудиокитоблар, турли китобхонлик гуруҳлари, шахсий блоглар қўшилди. Умуман олганда, бугун ёшларнинг мутолаа ҳақидаги тушунчалари анча бошқача. Биз бир пайтлар кўпроқ бадий китоб ўқирдик ва қаҳрамонлар ҳаёти билан яшардик. Ёшлар эса ҳозирги пайтда нафақат бадий адабиёт, балки китобхонликнинг анча кенг ва мураккаб йўналишларига қизиқмоқда. Улар технология, социология, ижтимоий муаммолар, иқтисодиёт ва бошқа турли мавзуларда китоб ўқишга интилади. Яна улар ўз билимларини фақат ўқиш билан чекламай, таржима қилиш, тахрир этиш, блоглар ёзиш, ижтимоий тармоқларда

Кутубхонадаги манбалар фойдаланувчилар эҳтиёжига мос келган тақдирдагина у замонавий ва жозибали масканга айланиши мумкин. Бунинг учун, аввало, китоб фондларини муттасил янгилаб бориш зарур.

Тез ўқимоқ — тез фикрламоқ демак

Юрта кечаётган ўзгаришларни англаш, замон тезлигини ҳис қилиш учун мутолаага ҳам ўзгача ёндашув керак. Замон шиддатида йўқолиб қолмаслик учун ёшлар нафақат кўпроқ ўқиш, балки ундан ҳам муҳимроғи — тез ўқишни ўрганиши лозим. Тез ўқиш мутолаада катта аҳамиятга эга: бу жараёнда шахсининг хотираси мустаҳкамланади, диққатини жамлай олиш қobiliяти ўсади. Бу эса ўз навбатида ақлий ривожланишни таъминлайди.

Тез ўқиш тарбия жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўрта мактабнинг 6-7 синфларида ўқишга бўлган қизиқиш сезиларли пасаяди. Бунга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири — ўқувчиларда шахсий масъулиятнинг камайишидир. Бу ҳолат, айниқса, 5-синфда яққол кўзга ташланади. Масъулиятсизлик эса кўпинча 3-4 синфларда дарсларни ўз вақтида ўзлаштирмаслик сабабли шаклланади. Натижада ўқувчи мураккаб матнларни тез англай олмайди. Демак, бошлангич синфлардаёқ тез ўқиш кўникмасини шакллантириш болалар кейинчалик сабоқларга масъулият билан ёндашадиган, фалол ва етук инсонлар бўлиб камол топади.

Тез ўқишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам юқори. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ишчиларнинг билимга қанқоқлиги ва тез ўқиш қobiliяти мамлакат тараққиётида муҳим омил ҳисобланади, — дейди психолог Маъруф Очилов. — Масалан, баъзи мамлакатларда раҳбар лавозимига ишлайдиган кишидан тез ўқиш талаб этилади. Чунки секин ўқийдиган раҳбар қозғаларга қўмиллиб қолиши ва қарор қабул қилишда ортда қолиши мумкин. Маълумки, фуқароларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда газета ва журналлар муҳим аҳамиятга эга. Дейлик, “Янги Ўзбекистон” газетасининг битта сони ўртача 12 минг сўздан иборат бўлса, ўқувчи бир дақиқада 80 та сўз ўқиган тақдирда уни тўлиқ ўқиб чиқиши учун тахминан 2,5 соат вақт сарфлайди. Агар тезроқ ўқиса, камроқ вақт кетади ва кўпроқ маълумотга эга бўлади. Демак, тез ўқишнинг маънавий аҳамияти ҳам катта.

Тадқиқотчилар мутолаа технологиясининг сифат ва миқдор йўналишлари ўртасида мутаносиблик бўлиши учун “оптимал ўқиш”ни тавсия қилади. Оптимал ўқиш бу — сўзлашув нутқи даражасидаги ўқиш бўлиб, у бир дақиқада 130-150 сўз ўқишни англатади. Мазкур ҳолатда ўқувчи нафақат кўпроқ маълумотга эга бўлади, шу билан бирга уни чуқур англаш имкониятига ҳам эришади. Айниқса, илмий ҳодимлар ва раҳбарлар учун тез ва самарали ўқиш талаб этилади. Қисқача айтганда, мутолаа тезлиги маълумотни қабул қилиш суръатига бевосита боглиқ. Бу эса китобхоннинг таҳлил қилиш қobiliяти ва ақлий салоҳияти каби шахсий хусусиятлар билан узвий алоқадор.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Муқова ва мутолаа: визуал таъсирнинг аҳамияти

Биз кўпинча асарнинг қиймати унинг маъмунида деб айтаемиз, бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо инсон ҳаётининг илк таъсирланиш нуқтаси ҳаммиша ташқи кўринишдан бошланиши ҳам ҳақиқат эканини инкор қилолмаймиз. Ҳар қандай китоб ўқувчининг қўлига дастлаб муқоваси орқали етиб боради, унинг ранги, шрифти, ишланган дизайни ёки асарга мос рамзий белгиси китоб ҳақида дастлабки таъсирни уйғотади.

Бугунги кунда оддий қозғога чоп этилган асар билан креатив муқовага эга китоб ўртасида катта тафовут бор. Чунки китоб дўкони кирган одам кўп ҳолларда аввал китобларнинг номи ёки муаллифидан кўра, унинг ташқи кўринишига назар ташлайди, — дейди рассом-иллюстратор Сарвар Фармонов. — Агар муқова ўз ичига руҳий қувват, бадий жиҳатдан мукамаллик, ўзига хос услуб ва “чақирув сигнали”ни сиғдира олган бўлса, китоб ўқувчининг қўлига тезроқ етиб боради. Тўғри, муқова китоб учун ҳимоя воситаси, бироқ уни психологиянинг моддийлашган қисми десак ҳам бўлади. У одамга “мени оч” деган чақирқини ифода этади. Ёшлар, айниқса, болалар китобни кўз билан танлайди, кейин мазмун билан танишади. Шу томондан, муқованинг ўрни бадий матн билан баробар аҳамият касб этади. Муқова ҳақида бундай тарзда фикр юритиш китобнинг мазмунини камсити эмас, албатта, балки унинг қадрини янада юксалтиришдир.

Охириги йилларда муқовага эътибор сезиларли даражада ошди. Илгари кўп асарларнинг классик услубидаги, ранги тўқ (одатда яшил, қизил рангда) ва тартибли, бир хил қилибга солинган муқовалар билан чоп этиларди. Бу ҳолат китобнинг ички мазмунига тўсик бўлмасда, унинг омига етиб боришида муайян чекловларни юзага келтирарди.

Бугун эса янги авлод дизайнерлари ва наشريётлари китоб муқовасини бадий ва эстетик жиҳатдан мукамал тайёрлашга интиломоқда. Ёш муаллифларнинг асарларида креатив, минимализмга асосланган, замонавий ранг уйғунлигида ишланган муқовалар кўпайган. Айниқса, психология, фалсафа ва публицистикага оид китобларда бир қарашда содда, аммо маъносини кучли визуал ишланмалар учрайди. Бу китобга янги талабларга жавоб берувчи маданий маҳсулот сифатида қараш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, ёшлар кўпинча китобни дастлаб унинг интернетдаги фото жамланмаси орқали танлайди, харид қилади. Платформалардаги сотув жараёнида рақобат кучли. Бир хил мавзуда қўйлаб китоблар тақлиф этилаётган шaroитда айнан муқова китобнинг тақдирини белгилаб қўяётгани учун ҳам бугунги рақобат соғлом ва бир томонлама фойдали.

Бироқ шу билан бирга, айрим ҳолларда муқовани тижорий максадлар учун китоб мазмуниндан узоқлаштириб қўйиш ҳолатлари ҳам кузатиломоқда. Масалан, баъзи асарлар мазмунига мутлақо алоқаси йўқ, бироқ “кўз”ни қамаштирувчи” ранглар билан чиқарилади. Бу ўқувчидаги ишонччи йўқотиши мумкин. Шунинг учун муқова асар мазмунига уйғун бўлиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун китобхонликни оммалаштириш мақсадида энг ақоли қадамни китоб мутолаасига жалб қилиш ва уларни китоб билан таъминлаш бўйича оммавий тадбирлар, хайрия акцияларини ташкил этиш, ижтимоий рекламалардан унумли фойдаланиш, ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий бадий асарларини тарғиб қилиш, ушбу соҳада жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, волонтерлик ҳаракатини ривожлантириш, китобхонлик муаммоларининг кенг жамоатчилик муҳокамасини, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар ҳамда интернет имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиш бўйича аниқ ишлар олиб борилаётгани қувонарли. Шу руҳда давом этиш эса кутилаётган натижа қўламни янада кенгайтириши шубҳасиз. Зеро, жамиятда китобхонликнинг ўсиши халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ўсишига, инсон ресурслари сифати ошишига, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда инновацион тараққиётига хизмат қилади.